


## I. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ


2021 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2678,1 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 52,7 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 1404,6 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2021 йилнинг январь-март ойларида 801,3 минг сўмни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яъни 74,4 фоизи вилоятнинг 3 та худуди ҳиссасига, жумладан, Ғузур тумани 31,7 фоизи, Муборак тумани 27,9 фоиз ва Қарши шаҳри 14,8 фоиз ҳисобига тўғри келди.

**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)**




**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида  
асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари (% да)**



Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Муборак тумани 36,6 марта, Шаҳрисабз шаҳрида 2,2 марта, Яккабоғ туманида 169,2 фоиз, Қарши шаҳрида 157,2 фоиз, Шаҳрисабз тумани 140,7 фоиз ва Миришкор туманида 137,4 фоиз ўсиш кузатилди.

**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида  
аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори  
(минг сўмда, % да)**





Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Муборак тумани 8427,9 минг сўм, Ғузур тумани 4078,6 минг сўм, Қарши шаҳри 1421,3 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Чироқчи тумани 77,1 минг сўм, Косон туманида 139,8 минг сўм ва Қамаши тумани 105,6 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан %</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>2678,1</b>	<b>52,7</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>177,8</b>	<b>5,7</b>	<b>6,6</b>
бюджет маблағлари	32,8	91,3	18,5
Ўз.Рес. Молия вазирлиги ҳузуридаги суфтаъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	2,0	8,5	1,1
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	53,4	-	30,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	89,6	2,9	50,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2500,3</b>	<b>129,4</b>	<b>93,4</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	706,3	140,1	28,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкилотлар қарз маблағлари	124,7	157,7	5,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	528,1	139,2	21,1
бошқа қарз маблағлари	2,7	231,5	0,1
аҳоли маблағлари	354,2	102,6	14,2
кафолатланмаган хорижий кредитлар	784,3	104,3	31,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2021 йил январь-март ойларида кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобига 784,3 млрд. сўм, яъни яқунга нисбатан 31,3 % ни ташкил қилди.

## 2021 йил январь-март ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



■ Бюджет маблағлари

■ Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси

■ Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари

■ Хукумат кафолати остида чет эл кредитлари

■ корхоналарнинг ўз маблағлари

■ тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкилотлар қарз маблағлари

■ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

■ бошқа қарз маблағлари

■ аҳоли маблағлари

■ кафолатланмаган хорижий кредитлар

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2021 йилнинг январь-март ойларида 528,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 139,2 фоизни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича етакчи ўринларда Муборак туманида 412,1 млрд. сўм ва Қарши туманида 28,8 млрд. сўмни ташкил этди. Аксинча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича паст натижалар Ғузур туманида 1,1 млрд. сўм, Миришкор туманида 0,6 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция  
ва кафолатланмаган кредитлар**

*(млрд. сўм)*

	Жами хорижий инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	шу жумладан:	Кафолатланмаган кредитлар
		Инвестиция	Кредит		Реинвестиция	
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1404,6</b>	<b>1314,9</b>	<b>89,7</b>	<b>528,1</b>	<b>23,9</b>	<b>657,5</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Қарши	175,6	89,8	85,8	24,0	23,9	-
Шаҳрисабз	3,7	3,7		3,7	-	-
<i>туманлар:</i>						
Ўзгир	427,1	426,7	0,4	1,1	-	425,6
Дехқонобод	4,6	4,3	0,3	4,3	-	-
Қамаш	-	-	-	-	-	-
Қарши	130,9	129,7	1,2	28,8	-	100,9
Косон	0,2	-	0,2	-	-	-
Китоб	21,0	21,0	-	21,0	-	-
Миришкор	1,1	0,6	0,5	0,6	-	-
Муборак	603,1	603,1	-	412,1	-	127,7
Нишон	22,6	22,6	-	22,6	-	-
Касби	10,1	10,1	-	10,1	-	-
Чироқчи	0,7	-	0,7	-	-	-
Шаҳрисабз	-	-	-	-	-	-
Яккабоғ	3,9	3,3	0,6	-	-	3,3

**2021 йил январь-март ойларида  
асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>Жами млрд. сўм</i>	<i>фоизда</i>	<i>Давлат</i>	<i>фоизда</i>	<i>Нодавлат</i>	<i>фоизда</i>
--	---------------------------	---------------	---------------	---------------	-----------------	---------------

<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>2678,1</b>	<b>52,7</b>	<b>121,4</b>	<b>132,9</b>	<b>2561,0</b>	<b>97,8</b>
------------------------	---------------	-------------	--------------	--------------	---------------	-------------

*шу жумладан:*

қурилиш-монтаж ишлари	830,9	109,8	37,6	98,2	793,9	100,1
-----------------------	-------	-------	------	------	-------	-------

машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	1106,4	101,0	50,1	83,5	1057,7	93,2
---	--------	-------	------	------	--------	------

бошқа харажатлар	740,8	55,1	33,7	95,2	709,4	95,8
------------------	-------	------	------	------	-------	------

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2021 йил январь-март ойларида машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларига йўналтирилган улуши 41,3 фоизни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар  
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

*(млрд. сўм)*

	<i>Январь-март</i>			
	<i>2020 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2021 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>

<b>Жами:</b>	<b>4762,6</b>	<b>100,0</b>	<b>2678,1</b>	<b>100,0</b>
--------------	---------------	--------------	---------------	--------------


*шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича*

қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	261,1	5,5	197,1	7,4
--------------------------------------	-------	-----	-------	-----

тоғ-кон саноати	2406,0	50,5	1197,4	44,7
-----------------	--------	------	--------	------

	<i>Январь-март</i>			
	<i>2020 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2021 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>
қайта ишлаш саноати	653,0	13,7	671,3	25,1
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	52,2	1,1	51,5	1,9
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	95,7	0,5	3,9	0,1
қурилиш	23,8	0,5	30,2	1,1
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	98,3	2,1	171,4	6,4
ташиш ва сақлаш	290,8	6,1	126,6	4,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	22,4	0,5	25,2	0,9
алоқа ва ахборотлаштириш	45,6	1,0	26,2	1,0
молия ва суғурта фаолияти	29,1	0,6	5,7	0,2
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	-	-	-	-
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	-	-	-	-
маъмурий ва қўшимча хизматлар	-	-	-	-
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	3,6	0,1	0,4	-
таълим	21,8	0,5	5,6	0,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	98,8	2,1	13,1	0,5
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	19,6	0,4	-	-
уй-жой қурилиши	251,4	5,3	203,4	7,6
бошқа фаолият турлари	389,4	9,5	24,7	0,9

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни  
иқтисодий фаолият турлари бўйича  
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида 1197,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 44,7 %) ташкил этди. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 51,5 млрд. сўм (1,9 %). Қайта ишлаш саноати 673,1 млрд. сўм (25,1 %). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 197,1 млрд. сўм (7,4 %). Ташиш ва сақлаш 126,6 млрд. сўм (4,7 %) инвестициялар жалб қилинди. Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш 171,4 млрд. сўм (6,4 %). Сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш 3,9 млрд. сўм (0,1 %). Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 13,1 млрд. сўм (0,5 %). Таълим 5,6 млрд. сўм (0,2 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 25,2 млрд. сўм (0,9 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

### Ижтимоий соҳа объектлари қурилиши


2021 йил январь-март ойларида умумий майдони 215,0 минг кв.м бўлган 1278 та, шундан қишлоқ жойларида 143,1 минг кв.м 791 та уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

### Қурилиш фаолияти


2021 йил январь-март ойларида 1310,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,4 %ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1251,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,5 %ни (2020 йил январь-март ойига нисбатан ўсиш суръати 94,0 % ни) ташкил қилди.

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



**Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати**  
(2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юкори ўсиш суръатлари Вузор туманида 188,0 %, Муборак туманида 178,4 %, Шаҳрисабз шаҳрида 151,0 фоиз ва Қасби туманида 119,2 фоиз кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Миршкор туманида 56,0 % ни ташкил қилди.